

Аҳмад Фарғоний номидаги ахборот-кутубхона маркази

Ахборот-библиография бўлими

Ўзбекистон
библиографлари
(тўплам)

Фарғона - 2017

Библиография – матбуот ҳамда ёзув асарлари ҳақида ахборот тайёрлаш ва бериш ҳамда уларни маълум ижтимоий мақсадларда тарғиб қилиш билан шуғулланадиган илмий ва амалий фаолият соҳаси. Библиография маҳсулотлари, назарияси, тарихи ва фаолиятини ташкил этиш ва услубияти билан шуғулланадиган фан библиография фани деб аталади. Библиография тараққиётини турли хил библиографик маълумотнома адабиётларни тузадиган маҳсус ташкилотлар тизими таъминлайди.

Кутубхоналар маданий-маърифий ва илмий ёрдамчи муассасалардир, улар ўз фаолияти билан фан, таълим, маданият ва жамиятнинг интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қиласиди.

Кутубхона фаолиятида профессионал билимга ва кутубхоначилик тажрибасига эга бўлган кутубхоначи-библиограф ахборот-кутубхона муассасаларининг ютуқларга эришишида, фонdlарни шаклланишида, адабиётларни тарғиб қилишда асосий ва етакчи омил ҳисобланади.

Тўпламда мамлакатимизда кутубхоначилик иши тараққиётига ва кутубхоначи кадрларни тайёрлашга катта ҳисса қўшган машҳур профессионал кутубхоначи ва библиографларнинг ҳаёти ва фаолияти ёритилган.

Александр Александрович Семёнов

Мамлакатимиз маънавий ҳаётида шарқшунос ва китобшунос олим Александр Александрович Семёнов ўчмас из қолдирган. 1873 йили Тамбов вилоятида таваллуд топган А. А. Семёнов Екатерина институтини битиргандан сўнг, Лазарев шарқ тиллари институтига ўқишга киради ва уни 1900 йили 1-даражали диплом билан тамомлаб, араб, форс ва турк тиллари бўйича ориенталист ихтисослигини эгаллайди. У библиографик фаолиятини 1906 йили Тошкентга келгандан сўнг бошлади. Шу йили Халқ кутубхонасининг кузатув қўмитасига аъзо бўлди ва кутубхона фондини тўлдириш ҳамда Ўрта Осиё ҳақида адабиётларнинг библиографияси ва каталогини тузишда иштирок этди. В. И. Межовнинг машҳур “Туркистон тўплами”ни тузиш ишини 1910 йили ўлкашунос библиограф Н. В. Димитров вафотидан сўнг давом эттириди. 1916 йилгача унинг раҳбарлигида тўпламнинг яна 98 та жилди тайёрланди. Олдингилардан фарқ қилиб, у тўпламнинг мазмунини системалаштириди, ҳар бир жилдга бир фан соҳасига оид

адабиётлар киритилди. Масалан, 546 – 548, 570, 588 – 589 жилдларга тарих ва археологияга оид, 555 – 559, 584 – 589 жилдларга филологияга оид адабиётлар киритилди. Адабиётларни танлашда унинг илмий ва долзарблик хусусиятлари эътиборга олинди. Бетгер А. А. Семёнов раҳбарлик қилган даврни “Семёнов даври” деб атади. 1912 йили Семёнов Туркистон Халқ кутубхонаси фондида сақланаётган 231та шарқ қўлёзмалари ва 569 та литографик китобларнинг каталогини тузади, аммо у нашр этилмай қолади, ҳозирги пайтда ЎзФАнинг Шарқшунослик институти кутубхонаси фондида сақланади. Туркистонда қўлёзма китобларни библиографиялаш иши билан биринчи бўлиб шарқшунос олим Э. Ф. Кал шуғулланган эди ва 1889 йили “Туркистон халқ кутубхонасидаги шарқ қўлёзма асарларининг каталоги”ни тузган. 1912 йилда Семёнов рус шарқшуносларидан биринчи бўлиб Туркистондаги литографик нашрларни ўрганади ва кутубхона фондида сақланаётган қўлёзма китоблар каталогини тузади. Унда араб шрифтида ёзилган 569 та китобнинг тавсифи берилган. У библиография ёрдамида адабий манбалар ўрганиб чиқди, масалан, К. А. Иностранцев ва Й. И. Смирновнинг 1906 йил тузган “Мусулмон археологияси библиографияси учун материаллар”, 1908 йилда яратилган А. А. Боголюбовнинг “Ўрта Осиё гиламдўзлиги” кўрсаткичлари билан танишиб, тадқиқот ишлари олиб борди. 1911 йили “Этнографическое обозрение” журналида “Рус Туркистони гиламлари” номли тақриз билан чиқди. Бу унинг Ўрта Осиё гиламдўзлиги ҳақидаги библиографик нашрлар соҳасидаги дастлабки илмий ишидир. У 2 марта нашр этилган. 1925 йил нашр этилган “Ўрта Осиё гиламдўзлиги бўйича адабиётларнинг библиографик кўрсаткичи”да 199 та рус ва чет эл нашрлари ҳисобга олинган. Уларга аннотация берилган. Семёнов Ўзбекистонда библиография ишини ташкил этишда алоҳида ўрин тутади. Бетгер ва Буровлар билан биргаликда Ўрта Осиё адабиётларининг универсал илмий библиографиясини тузиш ишини ташкил этишда фаол қатнашди. 1924 йили Бетгер бошчилигига библиографик бюrog'a аъзо бўлди.

1925–1926 йилларда бюро томонидан яратилган 3 та библиографик кўрсаткич Семёновнинг ташабbusи ва муҳаррирлиги билан нашрдан чиқди. “Ўрта Осиё гиламдўзлик материалларига оид адабиётларнинг библиографияси”, “Бухоро шаҳар марказий кутубхонасида сақланаётган қўлёзмаламинг каталоги”, “Ўрта Осиёда ўзбеклар тарихига оид вақтли матбуот кўрсаткичи” нашр этилди. 20 – 30 йилларда у қўлёзма асарлар билан ишлади. Илмий жамоатчиликка

ахборот бериш мақсадида бир қанча каталоглар тузади. Масалан, 1935 йили тузган “Ўрта Осиё давлат университети кутубхонасидаги қўлёзмалар рўйхати”. Бу кўрсаткич қўлёзмаларга тузилган энг йирик библиографик қўлланма бўлиб, 1884–1917 йилларда маҳаллий литографиялар нашр этган 204 та асар ҳақида маълумот беради. Кўрсаткичдаги материаллар тили бўйича жойлаштирилган, ҳар бир бўлим ичидаги фан соҳаларига ажратилган. Библиографик тавсиф тўлиқ берилган, аннотацияда қўлёзма тарихи, муаллифи, хаттот, безаклари, қофознинг сифати ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Бу иш литографик нашрларни ўрганиш соҳасидаги биринчи уриниш эди.

1956 йили узоқ давом этган меҳнат натижасида кўрсаткичнинг 2- сони “Ўрта Осиё Давлат университети асосий кутубхонасида сақланаётган форс, тоҷик, араб ва турк қўлёзмалари тавсифи” чиқди. Унда тарих, ҳуқуқшунослик, фалсафа, адабиётшунослик ва бошқа соҳаларга оид 1999 та қўлёзма ҳақида маълумот берилган. Ҳар бир асар тавсифида муаллиф исм-шарифи, хаттотнинг исм-шарифи, ёзилиш жои ва санаси, қўлёзмага эга бўлиш йўллари ҳақида маълумотлар берилган. Кўрсаткичга исмлар кўрсаткичи, асарлар рўйхати илова қилинган. 1940 йилдан бошлаб А. А. Семёнов Ўрта Осиёнинг йирик фан арбоблари, адабиёт ва санъат вакилларининг ижодига бағишли картотека тез бошлади. 1945 йилгача 500 дан ортиқ шахслар (олимлар, санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар) ҳақида маълумот тўплаган эди. Унинг мақсади йирик биобиблиография тузиш эди. Аммо бу иш амалга ошмай қолган ва у ҳозирда А. А. Семёнов архивида сақланади. Бу қўлланма кейинчалик ФА қўлёзмаларини ўрганиш ва Ўрта Осиёнинг XIX аср ижодкорларининг биобиблиографик луғатини тузишда асос бўлди.

А. А. Семёнов Беруний, Ибн Сино, Навоий ижодига оид ўта мазмунли тўлиқ биобиблиографик очеркларни нашр эттиради. Навоийнинг 500 йиллик юбилеи муносабати билан А. А. Семёнов Навоий даврини акс эттирувчи қатор адабий, тарихий ва библиографик ишларни бажарди. Уларнинг кўпчилиги Ўзбекистон Халқ кутубхонасида сақланаётган Навоий қўлёзма асарларининг рўйхатидан иборат. Бу кўрсаткич Навоий асарлари матни билан ишловчиларга ёрдам тариқасида тузилган. Навоий ижодига бағишланган муҳим кўрсаткич – “Алишер Навоийнинг нашр қилинган асарлари ва у ҳақидаги адабиётларнинг библиографиясига оид материаллар 14 қўлланмасидир. Унга Навоийнинг Тошкент, Москва, Санкт-Петербург кутубхоналарида, чет эл йирик кутубхоналарида сақланаётган

асарлари ва у ҳақидаги адабиётлар киритилган. Кириш қисмida муаллиф кўрсаткичнинг шошилинч тузилганлиги учун унинг тўлалигига даъво қилмаслигини таъкидлайди. Унда Навоий асарларидан 91 тасининг тавсифини беради, яна ўша вақтдаги 20 дан ортиқ хаттолар номини эслатиб ўтади, уларнинг хатларининг ютуқли томонларини кўрсатади. Қўллёзманинг қайси ҳудудга оидлиги, уларнинг бетини ўқиш хусусиятлари, ишлатилган безак турлари, усталарнинг қайси мактабга мансублиги, қофоз ва унинг тарихи ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Кўрсаткич 1968 йили “Алишер Навоий 11 номли биобиблиография чиққунгача катта аҳамиятга эга бўлиб қолди. А. А. Семёновнинг 10 жилдлик ЎзФАдаги шарқ қўллёзмалари каталогини тузишда А. Э. Шмидт, А. И. Кононов, Д. Р. Вороновский, М. А. Салелар иштирок этадилар. Қўллёзмалар фан соҳалари бўйича жойлаштирилиб, ҳар бир жилдига унинг мазмунини очиб берувчи кириш сўзи берилган. 1-жилдига кириш сўзида Семёнов шарқ қўллёзмалар каталогини тузиш тарихига батафсил тўхталади. У узоқ йиллар Шарқшунослик институти жамоаси билан ҳамкорлиқда 11 жилдан иборат “ЎзФА шарқ қўллёзмалари тўпламини”ни нашрга тайёрлади. Унда 6880 дан ортиқ қўллёзмалар ҳақида маълумотлар берган. Шулардан 7 та жилди 1952 – 1963 йиллари бевосита Семёнов иштирокида амалга ошган. Унинг раҳбарлигига Тожикистон ФА шарқ қўллёзмалари каталоги ҳам тайёрланган.

Николай Апполонович Буров

Николай Апполонович Буров 1885 йил Петербург шаҳрида туғилган. Петербург университетини тамомлаган ва китобсеварлиги билан машҳур бўлган. 1918 – 1926 йиллари Туркистон оммавий кутубхонасида ишлайди, Ўлкашунослик бўлимига, умумий бўлимга бошчилик қиласди. 1927 йилдан Самарқанд Давлат университети асосий кутубхонасининг китобга ишлов бериш ва библиография бўлимини бошқаради. У кутубхоначилик ишини ва кутубхоналарни қайтадан ташкил этиш бўйича қатор комиссияларнинг аъзоси бўлган. 1930 йилдан Тошкентдаги илмий ва академик кутубхоналари Республика Марказий кенгашининг раиси бўлиб ишлаган. Кенгаш йиғилишининг қарорига кўра “Алифбо каталоги карточкаси намуналари мажмуасини тузиш” дастури ишлаб чиқилади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда (Ўзбекистон ҳақидаги адабиётларнинг ретроспектив кўрсаткичини тузиш вазифаси қўйилади. 1946 йили ЎзФА ҳузурида

библиографик бюро тузилади, унинг вазифаси – Ўзбекистон ва Ўрта Осиё халқ хўжалиги ва маданиятининг қадимги давридан бугунги кунигача бўлган нашрларига оид кўрсаткичларини ўзбек, рус ва хорижий тилларда чоп этишга тайёрлаш эди.

1919 йил 23 марта Буров ўлка кутубхоначилик бўлимига хат ёзиб, кутубхона тўғрисидаги Низомни илова қиласи, маҳаллий нашрларнинг кутубхонага ҳаддан ташқари тартибсиз равишда келтирилаётганини, бу нарса ҳамма вақт транспорт ва алоқа бўлимларининг айби билан эмаслигини таъкидлайди. Низомнинг 4 қисмига кўра Халқ Маорифи Комиссарлиги (ХМК) томонидан тасдиқланиши ва унга кўра мажбурий нусха ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш зарур эди. 1922 йил Туркистон Китоб палатасини иккинчи бор қайта ташкил этиш масаласи кўтарилгандан сўнг Буров давлат илмий кенгашининг илтимосига кўра Туркистон Китоб палатасини тузиш ҳақидаги қонун лойиҳасини тайёрлади. 1923 йил 4 февралдаги ХМКнинг 15 сонли буйруғига кўра Палата ташкил этилди ва унга Буров директор этиб тайинланди. Унинг дастлабки вазифаси китоб солномасини нашр этиш эди. Мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, Туркистон давлат кутубхонасида мавжуд адабиётлар асосида Туркистон Китоб солномасини тузиш бошланди. Буров 1923 йил январь ва февраль ойларида “Туркистон китоб солномаси”ни тузишга эришди ва апрель ойида нашрга топширди. Палатанинг кейинги вазифаси 1917 – 1922 йилларда нашрдан чиқсан асарларни библиографиялашдан иборат эди. Бундай ретроспектив библиографияни тузиш учун ҳамма имкониятдан фойдаландилар. 1924 йили Буровнинг “1917 – 1922 йилларда Туркистондаги аниқ фанлар”, “Табиат ва математикага оид адабиётлар кўрсаткичи” қўлланмалари нашрдан чиқди. Кириш қисмida аниқ фанлар ҳақидаги адабиётларни библиографиялаш тарихи, “Илмий адабиётлар халқаро каталоги” каби нашриёт фаолиятининг тўхташ сабабларини кўрсатган, кўрсаткичнинг мақсадини ёритган. 1930 йил Буров “Ўрта Осиё университетининг нашрлари” (1922 — 1929 йй.) номли кўрсаткичини тузди. Кейинчалик 1930 – 1933 йиллардаги илмий ишларни ўз ичига оловучи 2-чи қисми тузилди. Унда университет тарихи, олимлар ва уларнинг фаолияти ҳақида материаллар берилган. Бу кўрсаткич китоб репертуарини аниқ яратиб берди. Буров 1964 йилда нашр қилган “Туркистоннинг инқилобгача бўлган давр матбуоти” (1868 – 1871- йй.) номли кўрсаткичи маҳаллий тилларда нашр қилинган нашрлар ҳақидаги энг йирик қўлланмадир. Материаллар тўла олинган ва аниқ тавсиф берилган. 178 китоб ва 56 та мақола берилган бу

қўлланма Туркистонда инқилобгача нашр этилган нашрларни ҳисобга олувчи биринчи йирик библиография эди. У “1868 – 1879 йилларда Туркистонда чоп этилган китоблар рўйхати ва ундаги йиғилган мақолалар” деб ҳам номланган. Кўрсаткич нашр жойи (топографик), нашр йили (хронологик) ва тил қалити каби ёрдамчи аппарат билан таъминланган. А. Язбердиев “Ўрта Осиё халқлари миллий матбуотини библиографиялаш тарихидан” номли асарида бу ишга алоҳида эътибор берган. Буров Тошкент кутубхоналари фондида мавжуд хорижий нашрларнинг йиғма каталогини тузишга ҳаракат қилди. 1926 йилдан Ўзбекистон кутубхоначилари жамияти марказий Президиуми Тошкент шахри илмий ва академик кутубхоналари олдига 1914 – 1925 йилларда чиқсан хорижий нашрлар йиғма каталогини тузиш вазифасини қўйди. Бунинг учун маҳсус комиссия тузилди. Комиссия даврий нашрлар фондини тавсифлаш ишини бошлади, бу узоқча бормади. 1931 йил Ўзбекистон Давлат оммавий кутубхонаси ташаббуси билан қайтадан комиссия тузилди. Вазифани бажариш учун услубий қўлланма ишлаб чиқилди, материал йиғиш бўйича йўриқнома тайёрланди, йиғма каталогнинг географик, тилшунослик, шакл ва мазмуний тузилмасини тайёрлади. “1924 – 1936 йиллардаги хорижий нашрларнинг йиғма каталоги”га ёзган сўзбошисида бунга нашрларнинг ҳамма турлари – даврий ва туркумли нашрлар, хорижий мамлакатлардаги барча нашрлар киритилиши ва йиғма каталогнинг жорий этилиш йили 1924 йил деб ҳисобланиши комиссия томонидан эътироф этилган. 1932 йил охирига келиб Давлат халқ кутубхонаси библиографик-маълумот тўплаш бўлимида картотека тузилиб, унга 48 кутубхонадан маълумот йиғиш бошланиши керак эди. Бу иш 1933 ва 1934 йилларга оид мъаълумотлар билан тўлдирилди ва кутубхоналар сони 53 тага етди. Унда 1970 та нашр ҳақида маълумот берилди. Аммо ишда айrim камчиликлар бор эди. 1933 – 1935 йил апрель ойи ўртасида комиссия томонидан каталоглар устида олиб борилган иш сифати юқори даражага етказилди. Комиссиядаги “учлик” – Е. К. Бетгер, Н. А. Буров, Л. В. Бомштейнлар ишни давом эттиришди ва каталогнинг 2- қисми тайёрланди. Ишнинг вазифаси, иш миқдори ва характеристи аниқланди ва узоқ муддат мавжуд маълумотларнинг тўғрилигини аниқлаш бўйича текшириш иши ўтказилди. Иштирок этган кутубхоналар сони 78 га етди, нашрлар сони 2513 ни ташкил этди. Материаллар алифбо тартибida жойлаштирилди ва мукаммаллашди. Йиғма каталог 1937- йили тугатилди. Унинг 1924 йилдан тескари хронологик тартибдаги ва 1936 йилдан тўғри

хронологик тартибдаги шаклини Ўрта Осиё давлат университети давом эттирди. 1953 йилгача унга Буров раҳбарлик қилди. 1959 йилга келиб у бутунлай тугатилди, кейинги даврни Навоий кутубхонаси библиографлари давом эттирдилар.

Евгений Карлович Бетгер

Евгений Карлович Бетгер Ўзбекистонда кутубхоначилик ишининг энг кекса авлоди вакилларидан бўлиб, Ўзбекистоннинг таниқли шарқшунос, китобшунос, тарихчи ва ўлкашунос олимни эди. У умрини Ўзбекистоннинг маънавияти, маданияти ривожига бағишилади. Е. К. Бетгер 1887 йил 30 июнда Тошкентда малакали дорихона ходими оиласида туғилди. 1905 йили Тошкент эркаклар гимназиясини тугатди. Москва, Генделберг, 1914 йили Киев университетини 1-даражали диплом билан тугатди. 1920 – 1924 йилларда Ўрта Осиё давлат университетининг шарқ факультетида тўлиқ курсни тинглаш билан бирга шарқ тилларини мукаммал ўрганиб олди. 1914 йил кузидан Тошкент эркаклар гимназиясида рус тили ва адабиёти муаллими сифатида дарс бериш билан меҳнат фаолиятини бошлади. 1915 йил Бетгер кутубхоначилик соҳасида иш бошлади, дастлаб Рус География жамиятининг (кейинчалик Географик жамиятнинг Ўзбекистон бўлими) Туркистон бўлимида кутубхоначи бўлиб ишлади ва бир вақтнинг ўзида жамият аъзоси сифатида, хазиначи вазифаларини бажарди. Унинг хизмати билан кутубхона иши жонланди, китобларни жойлаштириш, уларга карточкалар ёзиш, предмет каталогини тузиш ишларини бошлади. Кутубхона фондини олимлар ёрдамида 10 мингдан ошириди. Айниқса, унинг фонди география ва табиий фанларга оид ўлкашунослик характеридаги адабиётлар билан бойиди, бу жиҳатдан Туркистон ўлкасидаги бошқа кутубхоналар у билан беллаша олмас эди.

У китобларни ҳар бир китобхонга етказиш, тарғиб қилиш соҳасида иш олиб борди, библиографик хизмат кўрсатиш ва библиография ишини олиб боришга ҳаракат қилди. А. В. Панков билан биргалиқда “1912 йил 1 октябрдан 1914 йил 1 январгача туркистоншуносликка оид китоблар ва мақолаларнинг библиографик кўрсаткичи”ни, 1917 йили “1914–1915 йилларда Жамиятнинг “Хабарлар”ида нашр қилинган

мақолалар қўрсаткичи"ни тузиши. 1917 йил Е. К. Бетгер Туркистон Халқ кутубхонасининг кузатув қўмитаси таркибига киритилди, у китоб фондини сақлаш ва уни тарғиб қилиш масалалари бўйича фаол иш олиб борди. Касбий малакаси юқорилиги ва ташкилотчилик қобилиятини ҳисобга олиб, Туркистон Халқ кутубхонасини қайта ташкил этиш бўйича ҳайъат таркибига киритилди. Кутубхоначилик соҳасини қайта ташкил этиш билан боғлиқ ҳолда Халқ маорифи комиссарлигидаги кутубхона бўлимини бошқарди, унинг ташаббуси билан Тошкентда кутубхоначилик курслари ҳамда республикада болалар, махсус ва миллий кутубхоналар ташкил этилди. Тошкентдаги илмий ва академик кутубхоналар Ўрта Осиё бирлашмасини, Марказий библиография ҳайъатини бошқарди, каталогглаштириш бўйича масъулиятли ходим, индиксатор ва ўнли жадвал бўйича мутахассис сифатида ўлка доирасидаги кутубхоначилик иши раҳбарияти таркибига кирди, кутубхона ходимларига тегишли масалалар бўйича маслаҳатлар бера бошлади.

Е. К. Бетгер 1922 йилдан 1931 йилга қадар Туркистон Халқ кутубхонаси директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб, 1974 йилгача илмий котиб, бўлум мудири лавозимларида ишлади. 1943 йил А. И. Бутаков "Кундаликлари" материаллари асосида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Кутубхонада ишлаб юрган йиллари Е. К. Бетгер кутубхона фондини ташкил этиш, маълумот-библиография аппаратини, каталог ва картотекаларни ташкил этишга эътибор берди, кутубхоналарни қайта ташкил этишда қатнашди, фондни сақлаш, адабиётларга техник ва ўнли жадвал бўйича илмий ишлов беришнинг янги усусларини ишлаб чиқди. 1918 йил Туркистонда биринчи марта Л. К. Давидов, А. А. Метельников билан бирга "Ўнли библиография жадвали"ни нашр этди. Бу жадвалга талаб ошиб боргани сабабли 1922 йили Бетгер уни қайтадан кўриб чиқди ва нашр эттирди. Унга сўзбоши ёзилди, услубий қўлланма илова қилинди, ундан фойдаланиш қоидалари берилди. Бу Туркистон кутубхоначилик ишида катта воқеа бўлди. 1922 йилги кутубхоначилик жамияти уни муҳокама этиб, ўзбек тилида нашр этишга тавсия қиласди. Бетгер библиография ишига, айниқса, ўлкашунослик ишига катта эътибор билан қаради. 1916 – 1917 йилларда географик жамиятда ишлаб юрган пайтиданоқ ўлкашунослик билан шуғулдана бошлаган эди. 1926 – 1951 йилларда у шу йўналишда қўрсаткичлар тузади ("Туркестанские ведомости" газетаси саҳифаларида нашр этилган Тожикистонгача бўлган вилоятларга оид мақола ва хабарлар рўйхати, "Туркестанские ведомости" газетасида

Ўрта Осиё тарихи ва археологиясига оид мақолалар ва хабарлар тавсифи” ва бошқалар). Аммо унинг кўпгина кўрсаткичлари нашр этилмай қолиб кетган. Масалан, О. В. Маслова билан биргалиқда Туркистон тўпламининг 175 жилдига тузган кўрсаткичи. Бетгер библиографик кўрсаткчилар тузиш билангина чекланиб қолмади, балки илмий-тадқиқот ишларини ҳам олиб борди.

Номзодлик унвонини олиш учун ҳимоя қилган илмий ишида Орол денгизининг биринчи тадқиқотчиси А. И. Бутаковнинг 1849 –1852 йилларга оид кундаликларини тўла ўрганиб чиқади ва қимматли маълумотларни беради. А. И. Бутаковнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида тўлиқ маълумотни ҳавола этади. 1924 йили Бетгер X асрнинг машҳур географи Абулқосим ибн Ҳаққалнинг “Йўллар ва мамлакатлар” номли асарини чуқур ўрганишга ҳаракат қиласи, 1954–1955 йилларда Егор Мейендорфнинг “1820 йилда чўллар, Орол денгизидан то қадимги Ёқсартгача бўлган ҳудудда юз берган Оренбургдан Бухорогача саёҳат“ асарини француз тилидан таржима қиласи. 1951 йил “Ўзбекистонда китобатчилик иши тарихидан”, 1952 йили “1873 йилда Хивага йўл олган самарқандлик савдогар Данила Рукавкин ва унинг карвони”, 1953 йили “Туркистон тўплами ва А. А. Семёновнинг унда иштироки” асарлари жамоатчиликка маълум. Бир неча йиллар давомида Туркистон Ҳалқ кутубхонасининг фаолияти ҳақида очерклар, “Тошкентнинг илмий кутубхоналари”, “Ўрта Осиё библиографиясининг энг муҳим вазифалари”, “Ўрта Осиёнинг 1928 йилдаги библиографик ҳаёти” каби асарларини нашр этди. Бетгернинг қатор библиографик асарлари ва библиография масалаларига оид мақолалари ҳозирги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. 1953 йили унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кутубхоначи” унвони берилган.

Ольга Васильевна Маслова

Ўзбекистоннинг кўзга кўринган кутубхонашунос ва библиографи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кутубхоначи, тарих фанлари номзоди, Миллий университет Асосий кутубхонаси библиография бўлими бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатган Ольга Васильевна Маслова ўзбек библиографияси тарихида ўзига хос ўрин тутади. Ольга Васильевна 1893 йил 11 сентябрда ҳарбий хизматчи оиласида дунёга келган. Мехнат фаолиятини 1917 йили гимназия ўқитувчиси сифатида бошлаган. 1923 – 1929 йили Республика статистика бошқармаси

кутубхонасини бошқаради, кейин 1930 йилгача Ўрта Осиё давлат университети кутубхонасида ишлайди. 1930 – 1939 йиллари Навоий номли Миллий кутубхонада кутубхоначи-библиограф бўлиб ишлайди. 1930 йилдан библиография соҳасида фаолият кўрсатди. 1938 йили М. Т. Авшарова, С. М. Курковская билан биргалиқда 1893 – 1903 йилларни ўз ичига олган “Туркестанские ведомости” газетасидаги мақолаларга аннотация тузади. Межов Туркистон тўпламининг 4 1 7-5 9 1 жилдларига системали кўрсаткич тузиш билан шуғулланади. Е. К. Бетгер раҳбарлигидаги “Тожикистон тарихи ва этнографиясига оид библиографик кўрсаткичга материаллар” учун аннотациялар тўплашда иштирок этади, “Ўрта Осиё халқ хўжалиги” журнали учун кўрсаткич тузади. 1920 – 24 йиллари шарқшунослик билимларини ва маҳаллий тилни мукаммал ўрганиш мақсадида Туркистон шарқшунослик институтининг эрон бўлимида ўқииди. 1946 – 47 йиллари “Устюрт ва Манғишишлоқ библиографиясига материаллар” номли библиографик кўрсаткичга муҳаррирлик қиласида, 1947 йили “XVI – XX асрларда Ўзбекистон тарихига оид асосий библиографик кўрсаткичлар” номли иши эълон қилинади.

Кейинчалик “1922 – 1950 йилларда нашр этилган Ўрта Осиё Давлат университети нашрларининг системали каталоги”ни, “1932 – 38 йилларда ҳимоя қилинган номзодлик ва докторлик ишларининг кўрсаткичи”ни нашр эттиради. 1947 йили “XVIII – XIX асрларда Ўрта Осиёдаги рус саёҳатчилари ва экспедициялари ишларига обзор” мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қиласида. Бу 379 босма табоқдан иборат катта иш эди. “Шарҳ”да жуда катта адабиётлар кўлами ҳақида маълумот берилган. Университет кутубхонасида ўлкашшунослик картотекасини тузишда, табиий ва гуманитар фанларга оид юз минг карточкадан иборат газета-журнал мақолаларининг умумий картотекасини тузишда иштирок этди. Е. К. Бетгер билан “Ўрта Осиёнинг халқ хўжалиги” журналига 25 саҳифадан иборат библиографик кўрсаткичини тузади. 1954 йили Ўзбекистон Давлат кутубхонаси билан ҳамкорлиқда “1936 – 1951 йилларда Ўзбекистонда ҳимоя қилинган номзодлик ва докторлик ишлари”, Ўрта Осиё музликларининг тарихини очиб берувчи “Ледники Средней Азии” (Ўрта Осиёнинг музликлари”) кўрсаткичларини тузади. Унга аннотация берилган, материаллар хронологик тартибда жойлаштирилган. 1945 йил “Ўрта Осиёни иқлим, гидрологик ва гидрогеологик жиҳатдан ўрганиш тарихи” кўрсаткичини тайёрлайди. Унинг биринчи бўлимига экспедицияларга оид Октябрь инқилобигача бўлган материаллар

киритилади, масалан, 1740 йилда Орол денгизини ўрганишга оид Гладишев ва Муравин экспедициялари ҳақидаги материаллар кирган, 2- бўлимига Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олгандан кейинги давр адабиётлари киритилган. Бу иш ЎзФА Археология институти илтимосига кўра бажарилди ва унга 7 та бўлимдан иборат ёрдамчи библиографик аппарат тузилган. 1917 йил февралидан 1917 йил октябрь инқилобигача Ўзбекистонда нашр этилган газеталар рўйхати ҳам берилган.

Илмий жамоатчилик талабига кўра “Устюрт. Амударё ўзани ва Қорақум, Каспийнинг шарқий қирғози, Қорақалпоғистоннинг географияси, геоморфологияси, геологиясига оид аннотацияли кўрсаткич” тузади. Унга XVIII асрдан 1952 йилгача нашрдан чиқкан Туркманистон, Қорақалпоғистон, Хоразм вилояти географияси, геологияси, геоморфологиясига оид, тадқиқотлар тарихига оид адабиётлар – китоблар ва мақолалар киритилган. География ва геологияга оид бўлимда адабиётлар табиий-географик ҳудудлар бўйича жойлаштирилган, ҳар бир бўлимда ички хронологик тартиб қўлланилган. 1950 йил “ТошДУнинг 1922 – 1950 йиллардаги нашрларининг системали каталоги”ни нашр этди. Унда катта илмий ва хроникал йирик ишлар, университет нашриёти томонидан нашр қилинган 100 дан ошиқ бюллетең, 256 та сондан иборат “ТошДУнинг илмий ишлари” тўплами, 3 та илмий маъruzalarнинг тезислари, 13 та рукнда 84 та чиқиш сонидан иборат илмий ишлар тўплами акс этган. А. И. Кормилицин В. А. Вяткина билан биргаликда “1902 – 1956 йиллардаги ТошДУ нашрларининг системали каталогини нашр эттиради. Бунга олдинги кўрсаткичдаги ҳамма материаллар киритилган ва 3 та илмий-оммабоп рукн, 7 та “Библиографияга материаллар” ва алоҳида нашрлар киритилган. Кўрсаткичда университет нашриёти фаолияти ҳақида ҳам материаллар бор. Маслова раҳбарлигига кутубхона ходимлари 2501 номдаги Ўрта Осиёга оид 1917 – 1960 йилларда нашр этилган материалларни аниқладилар.

Мария Петровна Авшарова

Мария Петровна Авшарова – Ўзбекистоннинг кекса библиограф ва ўлкашуносларидан. 1896 йили Тошкентда таваллуд топган. 1913 йили хотин-қизлар гимназиясининг 7-синфини битирган, 1915 йили Москвадаги Олий хотин-қизлар курсининг тарих-филология факультетига ўқишига кирган. З йилдан сўнг оиласвий шароити туфайли

ўқиши охирига етказмай қайтиб келган. Маданият ва маориф соҳасида фаолият кўрсатган, 1938 йилдан Навоий номидаги Давлат халқ кутубхонасида маълумот-библиография бўлимида кутубхоначи-карточкачи, сўнгра библиограф бўлиб ишлай бошлайди. 1934 йили кутубхонада маълумот-библиография бўлими ташкил этилгандан кейин Ўрта Осиё китоб ва журналлари, “Туркестанские ведомости” газетаси саҳифаларида мақолаларнинг библиографик картотекасини тузади. Уруш йиллари Бетгер раҳбарлигидаги 2 минг тавсифдан иборат 2 жилдлик “Тожикистон ҳақида тарихий-этнографик адабиёт” номли библиографик кўрсаткичини тузишда иштирок этади. “1918 – 1935 йилларда Ўрта Осиёда рус тилида нашр қилинган газеталар рўйхати”ни тайёрлайди. Унда 126 номдаги газетага аниқ фактлар ёрдамида таъриф беради. 1940 – 50 йилларда Авшарова, асосан, тавсия кўрсаткичларини тузиш билан банд бўлади. Ўлкашунослик библиографиясига қўшган ҳиссаси 1958 йили “Ўзбек хотин-қизлари кеча ва бугун” номли кўрсаткичи сифатида юзага чиқди. Унга 1919 – 1956 йилларда нашр этилган ҳужжатлар киритилган, аннотация билан таъминланган. Й. Д. Свидина билан “Ўзбек адабиёти” кўрсаткичини нашр эттирди, унда 1917 йилгача ва кейин яшаб ижод этган адабиёт намояндлари асарлари ва у ҳақдаги асарлар киритилган. Ҳар бир муаллиф ҳақида аввал биографик материал, асосий асарлари ва у ҳақдаги асарлар рўйхати берилган. Унинг 1960 йилда нашр этилган “Туркистоннинг рус вақтли матбуоти. 1870 – 1917-йй.” номли иши муҳим аҳамиятга эга. Унда Туркистон ўлкасига ва айrim вилоятларга оид маълумотлар берувчи 189 номдаги газета ва журналлар, альманахлар, маълумотномалар, шарҳлар, йилномалар, тақвимлар акс этган. Бу йирик илмий иш сифатида ҳам ўлкамиз тарихини, бошқа халқлар маданияти тарихининг таъсирини ўрганишга ёрдам беради. Авшарованинг кейинги фаолияти “Ўзбекистон” йилномасини тузиш билан боғлиқ ҳолда ўтган. Бу йилнома 1917 йилдан ўлкамиз ҳақидаги китобларни, газета, журнал, тўпламлардаги мақолаларни ва бошқа нашрларни йиғиб берувчи библиографик қўлланмадир. Муаллиф фақат Ўзбекистонда нашр этилган асарларни эмас, балки ундан ташқаридаги асарларни ҳам киритади. “Ўзбекистон йилномаси”нинг1-сони 1903 – 1955 ва 1956 йилларга оид бўлиб, 1958 ва 1960 йиллари нашрдан чиқди. Кўрсаткичининг қадимги даврлардан то 1917 йилгача даврни ўз ичига олган “Ўзбекистон тарихи” қисми тузувчининг вафотидан сўнг нашр этилди. Кўп йиллар давомида Мария Петровна “Ўрта Осиё” картотекасини тузиб

боради. 1953 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кутубхоначи” унвонига сазовор бўлган.

Александр Иванович Кормилицин

Александр Иванович Кормилицин – машҳур кутубхонашунос, библиограф, китобшунос ва ўлкашунос олимлардан бири. А. И. Кормилицин 1915 йили 21- декабрда Москва вилоятида дехқон оиласида таваллуд топган. Оилавий шароитга кўра меҳнат фаолиятини жуда вақтли бошлаган. 7 йиллик мактаб дастурини мукаммал ўзлаштириб олгандан сўнг, Москва педагогика техникумига ўқишга киради. 1936 – 1937 йилларда бошланғич мактабда географиядан дарс беради ва институтга ўқишга кириш учун тайёргарлик кўради. 1941 йил Москва тарих-архив институтини тарихчи-архивчи мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тугатади. 1947 йилдан Кемерова шаҳар мусиқа билим юртида тарихдан дарс беради. 1953 йил оилавий шароитига кўра Тошкентга кўчиб келади. 19 йил Тошкент давлат университети кутубхонасида библиограф, катта библиограф, бўлим мудири вазифасида ишлади. У ТошДУ фаолияти ҳақида дастлабки материалларни тўплаш борасида кўпгина ишлар қилди ва “ТошДУ тарихига оид материаллар” номли аннотацияланган кўрсаткич тузади, кутубхонанинг маълумот-библиография аппаратини тузишда иштирок этади. У “Газета-журнал мақолаларининг умумий картотекасини”, “Ўрта Осиё ва Қозоғистон” ҳудудий ўлкашунослик картотекасини, тақризлар, авторефератлар, университет олимлари ишларининг картотекасини тузади. 1968 йил ишлаб чиқаришдан узилмаган ҳолда “Инқилобгача Туркистанда кутубхоначилик иши тарихи” мавзусида номзодлик ишини тайёрлади ва 1970 йили ҳимоя қилади. Кутубхонада “1936 – 1951 йилларда Ўзбекистонда ҳимоя қилинган номзодлик ва докторлик диссертацияларининг кўрсаткичи”ни тайёрлаб, 1954 йил нашр эттирди. Унга 592 та диссертациянинг библиографик маълумотлари киритилган, 1956 йили “Ўрта Осиё давлат университетининг нашрлари кўрсаткичи”нинг 1922 – 1956 йилларда нашр этилган материалларни акс эттирган 2-

сонини тайёрлашда иштирок этади. Илмий фаолиятда янгилик сифатида Кормилицин биринчи бўлиб “Биология-тупроқшунослик факультети антропология кафедрасининг 1923 – 1959 йиллардаги экспедициялари” обзор кўринишидаги ишини 1964 йил нашр эттириди ва унда 29 та антропологияга оид экспедициялар ҳақида маълумот беради. 1968 йил нашр этилган “Инсон ва ҳайвонлар физиологияси кафедрасининг 1925 – 1966 йиллардаги экспедициялари” номли ишида 28 та физиологияга оид экспедициялар ва уларнинг Марказий Осиё ва Ўзбекистон бўйлаб сафарлари ҳақида маълумот келтирилган. Кормилицин 1970 йил нашр этилган “ТошДУ тарихи ва фаолиятига оид материаллар” номли ишнинг ташаббускори ва иштирокчиси эди. Унда университет фаолиятига оид 1918 – 1966 йилларни ўз ичига олган 2000 дан ортиқ босма ва қўлёзма асарлар ҳақида маълумот берилган. Материаллар факультетлар, кафедралар, илмий-тадқиқот институтларига кўра тартибга солинган. Кормилицин олимларнинг библиографик кўрсаткичларини тузишда ҳам фаол иштирок этди. Ҳамкорликда “Николай Леопольдович”, “Обид Содиқович Содиқов” (рус тилида), “Александр Сергеевич Уклонский”, “Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқов”, “Илария Алексеевна Райкова”, “Владимир Иванович Попов” каби библиографияларнинг нашрдан чиқишида муҳим рол ўйнади. Библиография амалиётида биринчи марта олим раҳбарлигига ёқланган диссертациялар ҳақида, оппонентлик қилган ишлари ҳақида маълумотлар беради. 1974 йил Абу Райхон Беруний таваллудининг 1000 йиллиги муносабати билан “Абу Райхон Беруний” библиографиясини нашр этади. Унда олим ҳаёти ва фаолиятининг асосий саналари, асарларнинг рўйхати, у ҳақдаги кўплаб асарлар рўйхати берилган. Устоз 20 йилдан ошиқ вақт Маданият институтининг кутубхоначилик факультетида дарс берди. Кутубхоначилик иши, китоб иши, қўлёзма китоблар тарихи, Ўзбекистоннинг маданияти тарихига оид, библиография масалаларига оид кўплаб мақолалар эълон қилди. Энг сўнгги ишларидан бири “Видные библиотековеды и библиографы Узбекистана” номли маълумотномада республикамиз маданиятида ўзига хос ўрин тутган, кутубхонашунос ва библиографлар ҳақида тўла маълумотлар берилган.

Матлуба Яҳёевна Носирова

Матлуба Яҳёевна Носирова – кутубхоначи-библиограф сифатида танилган устозлардан бири. У Тошкент шаҳрида 1924 йили таваллуд топади, жуда эрта ота-онасидан ажраб, болалар уйида тарбияланади. 1942 йили ўрта мактабни тугатиб, ўша пайтдаги комсомол котиблари курсида ўқийди ва ташкилотларда ишлайди. 1949 йил Фарғона вилоят кутубхонасида кутубхоначи сифатида иш бошлайди. 1951 йилдан Алишер Навоий номидаги Республика кутубхонасида фаолиятини давом эттиради ва ўз малакасини, билимини ошириш мақсадида Москва давлат маданият институтига боради. 1957 йили уни тугатиб, 1972 йилга қадар шу кутубхонада ишини давом эттиради, оддий библиограф лавозимидан то бўлим мудири вазифасигача бўлган жараённи босиб ўтади. 1972 йили Тошкент маданият техникумiga директорлик лавозимига ўтказилади. 1974 йили Тошкент давлат маданият институти ташкил этилгандан сўнг “Библиография” кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида нафақага чиққунга қадар талабаларга устозлик қиласди. Кутубхонада ишлаб юрган вақтларида жуда кўп мавзуларда турли хил библиографик кўрсаткичларни мустақил ва ҳамкорликда тайёрлади ва нашр эттиради. Йирик 9 та библиографик кўрсаткич ва қўлланмаларга муҳаррирлик қиласди, бир қатор муаммоли мақолалар билан Ўзбекистон ва Россия журналларида қатнашади. Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонасининг 100 йиллиги муносабати билан нашр этилган монографиянинг йирик – “1917 йилдан сўнгги даврда кутубхонанинг илмий-библиографик фаолияти” бўлимини ёзган. Унда муаллиф библиография ишининг тараққиётини батафсил ёритиб берган.

Мусо Маматович Туропов

Мусо Маматович Туропов – дастлабки маҳаллий библиограф олимлардан, узоқ йиллар библиография предметларидан ўқитувчилик фаолиятини олиб борди, педагогика фанлари номзоди, доцент. 1940 йил Самарқанд вилоятида таваллуд топган, 1958 йили ўрта мактабни тугатиб, меҳнат фаолиятини бошлайди. 1966 йили Тошкент давлат педагогика институтининг кутубхоначилик факультетини битирди ва 1974 йилдан то шу кунгacha Маданият институтининг кутубхоначилик, кейинчалик “Кутубхона-ахборот фаолиятини бошқарув” факультетида ишлаб келмоқда. 1974 йил Ленинград давлат маданият институти қошидаги илмий кенгашда

“Ўзбекистон ҳақида библиография 1952 – 1970 йй.” номи билан педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун илмий-тадқиқот ишининг натижасини ҳимоя қилади. 1982 йилдан кафедра доценти. 70 дан ортиқ библиография масалаларига оид ўқув қўлланмалари, монография ва мақолалари нашр этилган. “Ўзбекистонда библиография. 1870 – 1980йй.”, “Ўзбекистоннинг кундалик илмий-ёрдамчи библиографияси”, “Ўзбекистоннинг умумий библиографияси” каби ўқув қўлланмалари, ўзбекистонлик йирик библиографларнинг ҳаёти ва ижодига оид мақолалари талабалар учун библиография курсларини ўрганишда муҳим қўлланма бўлиб қолди.

Шуҳрат Муродович Шамсиев

Таниқли библиограф олим, педагогика фанлари номзоди, доцент Шуҳрат Муродович Шамсиев қўп йиллар Тошкент давлат маданият институти ректори ўринбосари, библиография кафедраси мудири лавозимларида ишлаган. 1940 йили Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топди. 1960 йили ўрта мактабни тугатиб, кутубхоначилик факультетига ўқишга кирди. 1964 йили институтни тугатади ва кутубхонашунослик-библиография кафедраси кабинетига мудир этиб ишга қолдирилди. 1965 йилдан ўқитувчиликка ўтказилди. 1970 йили Москва давлат маданият институти аспирантураси кундузги бўлимига ўқишга киради. Машҳур библиограф ва кутубхонашунослардан А. Н. Веревкина, академик О. П. Коршуновлардан таълим олади. 1973 йили аспирантурани тугатиб, Тошкентга қайтади. 1974 йили маданият институти очилиши билан институт сиртқи ва кечки бўлимига ректор ўринбосари этиб тайинланади. Биринчи бўлиб ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографияси курсини ишлайди. 1977 йили Москва давлат маданият институтида “Россиянинг инқилобга қадар вақтли матбуотининг манбашунослик ва функционал таҳлили (1702 – 1917й.)” мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилади. 1984 йилдан кафедра доценти лавозимида меҳнат қилиб келмоқда. 1995 – 2001 йиллар факультет декани лавозимида фаолият юритди. Библиография тарихи, назарияси ва амалиёти масалалари, библиография фанини ўқитиш муаммолари, кадрлар тайёрлаш масалаларига оид кўплаб илмий мақолалари республика, халқаро, институт микёсидаги илмий анжуманлар тўпламлари ва журналларда нашр этилган. “Ижтимоий-

сиёсий адабиётлар библиографияси”, ҳаммуаллифликда “Ўзбекистоннинг кундалик давлат библиографияси”, “Инқилобгача Туркистон вақтли матбуотининг ретроспектив библиографиясининг айрим масалалари”, “Инқилобгача Туркистон вақтли матбуотини ўрганишнинг муаммолари”, И. Долгополова билан “Ўрта асрларда библиография тарихи (китоб босиш ихтиро қилингунга қадар)” номли ўқув қўлланмасини нашр эттириди.

Аипа Ҳошимовна Туропова

Аипа Ҳошимовна Туропова – республикамизнинг таникли библиографи. 1941 йили 23 марта Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1959 йили 7 5-сонли ўрта мактабни тугатиб, 1962 йили Тошкент давлат педагогика ислититутининг кутубхоначилик факультетига ўқишга киради. 1966 йили шу институт кутубхонасига ишга қолдирилади. 1967 – 1981 йиллар Ўзбекистон Китоб палатасида катта библиограф, бош библиограф, маълумот-библиография бўлимни мудири вазифаларида фаолият кўрсатади. Шу йилларда барча турдаги кундалик давлат библиографияларини тузишда ва нашр этишда, каталог ва картотекалар тизимини ташкил этиш ва тўлдириб боришка иштирок этган. “Китоб солномаси”, “Журнал мақолалари солномалари”, “Ноталар солномаси” каби ўша давр талаби билан нашр этилган ретроспектив библиографик кўрсаткичларни тайёрлашда ва нашр этишда қатнашган. 1968 – 1969 йилларда Москва шаҳрида Бутуниттифоқ китоб палатасининг илмий семинарларида маъruzалар билан иштирок этган. 1981 йил май ойидан Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасининг миллий библиография бўлимида катта библиограф, шўба мудири лавозимларида ишлади. “Ўзбекистон” картотекасининг адабиёт, тарих, фалсафа, қишлоқ хўжалиги бўлимлари учун мунтазам равишда библиографик ёзувларни йиғиб борди. “Ўзбекистон Республикасининг муҳим ва унутилмас саналар тақвими”, “Ўзбек адабиёти” (1959 – 1970- йи.) кўрсаткичи, “Адабиётшунослик ва ўзбек халқ ижоди, фольклор” (1959 – 1970-йи.) кўрсаткичларини нашрга тайёрлади, афсуски айрим сабабларга кўра улар нашр этилмай, ёзув машинасидан чиқсан ҳолида сақланмоқда. М. Муҳаммаджонова, С. Шермуҳаммедова билан “Ал-Хоразмий”, З. Бердиева билан “Алишер Навоий”, С. Шермуҳамедова, С. А. Теплова билан “Шароф Рашидов” каби кўрсаткичларни тузган ва чиқарган.

Абсалом Одилович Умаров

Журналист, филолог олим, таржимон, социолог, фалсафа масалалари ва мутолаа маданияти тадқиқотчиси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори.

А. О. Умаров 1949 йилда Самарқанд вилоятининг Нурота туманида дехқон оиласида туғилган. 1964 йилда мактабни олтин медаль билан тамомлади. Меҳнат фаолиятини 73-сонли мактабда кутубхона мудирлигидан бошлади. Китобга ва мутолаага муҳаббат, адабиётлар билан эрта танишув, билимга чанқоқлик касб танлашга таъсир кўрсатди. 1966 йилда Тошкент давлат университетининг журналистика факультетига ўқишга кирди. Талабалик даврида ўзбек адабиёти, бадиий таржима назарияси масалалари билан қизиқади. Университетни тамомлагач, 1972 йилдан 1981 йилгacha Ўзбек Совет Энциклопедияси таҳририятида кичик муҳаррирдан катта илмий муҳарриргача турли лавозимларда меҳнат қилди. 1981-1984 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида аспирантура бўлимида раҳбарлик қилди. 1984-1987 йилларда шу институтнинг аспиранти бўлди. 1990 йилда А.О. Умаров номзодлик диссертациясини ёқлади. Шу йили “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедрасини ташкил этиб, унга раҳбарлик қилди. 1995-1997 йилда докторант бўлди.

1997 йилда А.О. Умаров Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси (у даврда Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси) директори лавозимида тайинланди ва шу лавозимда 2000 йилгacha ишлади. Бу йиллар унинг илмий ва меҳнат фаолиятида муҳим йиллар бўлди. Миллий кутубхона учун бу йиллар мураккаб давр бўлди. Иш стили, китобхонларга хизмат кўрсатиш усули ва шаклини ўзгартириш, кутубхоначилик иши жараёнларида янги ахборот технологияларини тадбиқ этиш, маъмурий-хўжалик такомиллаштириш зарур эди. Абсалом Одилович кутубхоначилик жараёнларини автоматлаштириш бўйича ишларни муваффақиятли бошқарди: биринчи компьютерлар, ортехника олинди, кутубхонанинг ноширлик фаолияти қайта кўриб чиқилди. Кутубхонанинг оммавий ишлари янгича тус олди, чет эл ҳамкорлари билан алоқалар боғланди.

Республикада кутубхонашунослик ишини такомиллаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бу борада “Кутубхонашунослик

иши тўғрисида”, “Хужжатларнинг мажбурий нусхаси тўғрисида”ги Қонун лойиҳалари алоҳида аҳамиятга эга.

А. О. Умаров

кутубхонашунослик ишини ислоҳот қилиш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш гуруҳига раҳбарлик қилган. Унинг ташаббуси билан республика кутубхоначиларининг малакавий бирлашмаси – республика кутубхоналари ассоциациясини тузиш ишлари фаол олиб борилди. 2000 йилда Ўзбекистон Кутубхоналари Ассоциациясига раҳбарлик қилди.

Абсалом Одилович кутубхона иши ва ахборот технологиялари масалалари бўйича республикада ўтказиладиган Халқаро конференцияларнинг ташкилий қўмитаси раиси. Шу билан бирга у Кутубхона ассоциациялари ва муассасалари халқаро федерацияси форумларининг қатнашчиси ҳамdir.

2000-2002 йилларда А. О. Умаров Ўзбекистон Республикаси Президенти Аппаратида фаолият юритди. 2002 йилнинг ноябрь ойида яна Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида директор этиб тайинланди. Бу йилларда кутубхонанинг тадқиқот фаолияти фаоллашди. У тадқиқот лойиҳаларининг илмий раҳбари сифатида бир қанча ишларни амалга оширди. Шу билан бирга А. О. Умаров “Жамиятнинг ижтимоий-маданий ривожланишида ва ҳар томонлама етук инсоннинг ривожланишида мутолааанинг ўрни” мавзусида докторлик диссертацияси устида ишлаб, уни 2005 йилнинг июнь ойида ёқлади. Абсалом Одилович бир қанча монография ва қўлланмалар муаллифи ҳамdir. У Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ишлаган давр мабойнида мамлакатимиз ва хориждаги матбуот нашрларида кутубхонашунослик иши, мутолаа маданияти, маданий ва маънавий қадриятларни тарғиб қилиш, китоб тарихи мавзуларига доир 50дан ортиқ илмий ва публицистик мақолалар чоп этдирди.

Абсалом Одилович Умаров кўп йиллик самарали меҳнати учун фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган ва 1998 йилда “Шуҳрат” медали соҳиби бўлган.

Ҳамроҳон Маматраимова

Республикамизнинг библиография иши назарияси ва амалиёти соҳасида иш олиб бораётган библиограф олимлардан бири Ҳамроҳон Маматраимова 1952 йил Андижон вилояти Хўжаобод туманининг Янгичек маҳалласида таваллуд топган ва ўрта мактабни шу ерда

тугатган. Аввал Наманган маданият техникуми кутубхоначилик бўлнимини ва 1977 йили Тошкент давлат маданият институти кутубхоначилик факультетини имтиёзли диплом билан тугатган. Кейинчалик Москва давлат маданият институти кундузги аспирантурасини тугатиб, 1987 йили шу институтда кутубхоначилик иши соҳасида ўзбек аёлларидан иккинчи бўлиб “Ўлкашунослик маълумотнома-библиография аппарати маҳаллий библиографик ресурсларнинг таркибий қисми сифатида. Кўп тиллик шароитда унинг тузилиши ва фойдаланиш муаммолари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қиласди ва педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олади. Тадқиқот республикамизнинг вилоят кутубхоналари негизида бажарилди ва унда ўлкашунослик библиографиясида маълумотнома-библиография аппаратининг ўрни, кутубхоначилик-библиографик ресурсларининг аҳамияти, ўлкашунослик каталогини ташкил этишдаги ўрни, Россия кутубхоналарининг шу соҳадаги тажрибаси ўрганилган. 1977 йилдан буён “Библиография” кафедрасида библиографияга оид барча фанлардан дарс бериб келмоқда. Бир қатор ўқув қўлланмалари, дастурлари, услугбий қўлланмалари нашрдан чиқкан. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида нашрдан чиқаётган кўплаб долзарб мавзудаги услугбий-библиографик қўлланмалар муаллифи, тузувчиси ва муҳаррири. Ўзбекистон оммавий кутубхоналарида ўлкашунослик ишини ташкил этиш масаласига оид услугбий-ўқув қўлланмаларини нашр этди. Кўплаб халқаро, республика ва институт илмий тўпламларида библиографик кадрлар тайёрлаш, библиография иши назарияси, тарихи ва методикасига оид илмий мақолалар билан иштирок этади. “Ўзбекистонда табиий фанлар ва қишлоқ хўжалигига оид адабиётлар библиографияси”, “Ўзбекистон ретроспектив библиографияси” ўқув қўлланмалари муаллифи.

Сойибназар Хўжаниёзович Давлатов

Сойибназар Давлатов 1959 йил Қашқадарё вилоятида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатиб, 1976 – 80 йилларда ТДМИнинг “Кутубхоначилик” факултетида таълим олади. 1983 – 89 йиллар Республика Китоб палатасида библиограф, катта муҳаррир лавозимларида фаолият юритди. 1989 йилдан А. Қодирий номли ТДМ

Ида ўқитувчи, кафедра мудири, декан мувини, 2003-йилдан Кутубхона-ахборот фаолиятини бошқарув факультети декани лавозимларида ишлаб келмоқда. 1996 йилда “Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй-маросимлари фольклори” мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилди, филология фанлари номзоди. Китоб палатасида “Ўзбекистон матбуоти солномаси”ни тузишда, каталог ва картотекаларни ташкил этишда иштирок этди.

Малика Исаевна Матмуродова

Малика Исаевна Матмуродова – 1961 йил Тошховуз вилоятининг Тошховуз туманида таваллуд топган. 1978 йилда ўрта мактабни тугатиб, меҳнат фаолиятини қишлоқ кутубхонасида бошлаган. 1988 – 1992 йиллар А. Қодирий номли ТДМИ “Кутубхоначилик” факультетини имтиёзли диплом билан тугатиб, Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида услубиётчи, шўба мудири бўлиб фаолият юритди. 1999 йилдан Маданият институти “Библиография” кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи лавозимларида, 2001 йилдан факультет декани ўринбосари лавозимларида ишлаб келмоқда.

“Ўзбекистонда бадиий адабиётлар ва адабиётшунослиги библиографияси” курсидан машғулотлар олиб боради. 2001 йил институт аспирантурасини тамомлади. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида услубиётчи сифатида 40 дан ортиқ миллий ижодкорларимиз, ёзувчи, шоирларимиз, санъаткорлар, миллий қадриятларимиз, муҳим саналар, воқеалар муносабати билан “Миллатни уйғотган адаб”, „Асли дунё меҳрдан яралган”, “Шарқнинг улуғ мусаввири”, “Ғафур Ғулом”, “Убайдулло Солиҳ ўғли Завқий”, “Маърифатпарвар шоир”, “Озодлик ва истиқлол куйчиси” каби услубий-библиографик қўлланмалар муаллифи. Грант асосида амалга оширилган тадқиқот иши натижасида нашр этилган “Мағкура ва ёшлар” услубий қўлланмасининг муаллифларидан бири. 1999 йилдан Республика кўзи ожизлар кутубхонасининг илмий-услубий ишларига ёрдам бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Библиография : ўқув қўлланма / З. Бердиева, Ҳ. Маматраимова, Т. Зокирова, О. Эраҳмедова; масъул муҳаррир М. Алимова. – Тошкент : Ўқитувчи, 2007. – 208 б.
2. Кормилицин, А. И. Библиотековеды и библиографы Узбекистана : очерки и воспоминания / А. И. Кормилицын; отв. ред. А. Умаров. – Ташкент : Изд-во Нац. б-ки Узбекистана им. А. Навои, 2005. – 296 с.
3. Маматраимова Ҳ. Библиография // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. – Т., 2001. – Б. 16-17.

Тузувчи:

Д. Мамадиева